



“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Бошқарувининг
2022 йил “19” январ даги
3-2 -сонли қарори билан



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил “31” январ даги
26 -сонли баённомаси билан

Бошқарув раиси



_____ **О. Бутаев**
М.Ў.


Кузатув кенгаши раиси


_____ **О. Исаков**
М.Ў.


**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
Дивиденд сиёсати**

Тошкент – 2022 йил



1-боб. Умумий қоидалар

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг Дивиденд сиёсати Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда – банк) соф фойдасини (тақсимланмаган фойдасини) акциядорлар ўртасида тақсимлаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 48-моддасига кўра, дивиденд – жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

3. Дивиденд сиёсати – молиявий йил давомида шакллантирилган соф фойдадан фойдаланиш ва тақсимлаш бўйича банкнинг ички меъёрий ҳужжатидир.

Дивиденд сиёсати дивиденд тўловлари миқдорини аниқлашда банк ва унинг акциядорлари манфаатларини мувофиқлаштиришга асосланган. Дивиденд сиёсати банкнинг муомалага чиқарилган акцияларининг номинал қийматини ошириш, уларнинг инвестиция жозибадорлигини кўтариш ва банкнинг капиталлашуви даражасини ошириб бориш йўли билан акциядорларнинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган.

2-боб. Дивиденд сиёсатининг мақсади ва вазифалари

4. Дивиденд сиёсатининг **мақсади** банкнинг барқарор фаолиятини амалга ошириш орқали акциядорларининг манфаатини кўзлаб, уларни инвестициялари ҳисобидан кутаётган даромадларини таъминлашдан иборатдир.

5. Дивиденд сиёсатининг **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

а) банк акциядорларининг уларга тегишли банк акцияларидан оладиган дивиденд кўринишидаги даромадларини тўғри ва тўлиқ ҳисоблаш;

б) ҳисобланган дивиденд маблағларини тўлиқ ва белгиланган муддатларда банк акциядорларига етказиб бериш.

3-боб. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор, дивидендларни тўлаш тартиби

6. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига қараб, мутаносиб равишда тақсимланади.

7. Дивидендлар фақат жойлаштирилган, яъни муомаладаги акциялар бўйича тўланади.

8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларни тўлаш тартиби (дивидендларнинг миқдори, тўлаш муддати ва шакли) тўғрисидаги қарор банк Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина Акциядорларнинг

умумий йиғилиши томонидан молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қабул қилинади.

9. Дивидендларнинг миқдори банк Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кечикмаслиги лозим. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда уларни тўлашнинг бошланиши ва тугаши саналари кўрсатилади.

10. Дивидендлар бўйича солиқнинг ундирилиши ва солиқ имтиёзларининг қўлланилиши дивиденд тўлаш вақтидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида амалга оширилади.

11. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорга асосан дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлади.

12. Йиллик дивидендларнинг ҳисоби Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

4-боб. Дивиденд тўлови бўйича чекловлар

13. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 54-моддасига мувофиқ банк:

банк устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар банк соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, банк ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни 39-моддасига асосан банкнинг қуйидаги ҳолларда дивидендлар тўлашни амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу банднинг биринчи-бешинчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

5-боб. Акциядорларни дивидендлар тўланиши ҳақида хабардор қилиш

15. Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида (www.mikrokreditbank.uz) қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

16. Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг кўрсатмаси ва банк Уставида кўзда тутилган тегишли чегирмалар ва капитализация бўйича чора-тадбирлар ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

6-боб. Назорат

17. Банк Бош офисининг қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи тегишли таркибий бўлинмаси акциядорлар реестрига асосан дивиденд олиш ҳуқуқига эга булган акциядорлар рўйхатини юритиб боради.

18. Ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ўтказмалари банкнинг бухгалтерия ҳисобини юритишга масъул таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

19. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги банкнинг юридик хизмати томонидан кўриб чиқилади.

20. Акциядорларга дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаб бериш билан боғлиқ ишларни назорат қилиш банкнинг ички назорат хизмати томонидан амалга оширилади.

7-боб. Дивиденд сиёсатининг ижросини ташкил қилиш

21. Дивиденд сиёсатининг сўзсиз ижросини ташкил қилиш ва таъминлаш **масъулияти** Банк Бошқарувиغا юклатилади.

22. Дивиденд сиёсатининг ижро этилиши юзасидан банк Бошқаруви ҳисоботини Кузатув кенгаши мажлисларида тинглаб бориш тартиби ўрнатилади.

8-боб. Якуний қоидалар


23. Мазкур Дивиденд сиёсати банк Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

25. Мазкур Дивиденд сиёсати кучга кирган кундан бошлаб банк Кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 28 январдаги 13-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг 2021 йилга мўлжалланган Дивиденд сиёсати” ўз кучини йўқотади.

26. Банкнинг ташкилий тузилмаси ўзгартирилиши муносабати билан мазкур Дивиденд сиёсатида келтирилган таркибий бўлинмалар қисқартирилган, номлари ўзгарган ҳолатларда, ушбу таркибий бўлинмаларга тааллуқли Дивиденд сиёсати қоидалари уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари ўтказилган (ворис) таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Дивиденд сиёсатининг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, мазкур Дивиденд сиёсатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилади.

28. Мазкур Дивиденд сиёсати талабларини бузган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.



ТИЖОРАТ